

МИЛЛИЙ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Холиқова Дурдона¹

ТМИ, I босқич магистратура

бўлими талабаси

E-mail: khurdona0808@bk.ru

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 28.11.2024

Revised: 29.11.2024

Accepted: 30.11.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

институционал
ислохотлар,
инвестицион муҳит,
трансформация, МҲХС,
БҲХС, ахборот сифати,
активларни
қадрсизланиши.

АННОТАЦИЯ:

тезисда миллий иқтисодиётимиз
корхоналардаги амалда бўлган молиявий
ҳисоботни халқаро стандартлар ҳамда
тажрибалар асосида такомиллаштириш
керак бўлган айрим жиҳатлари кўрсатиб
берилган ва улар бўйича аҳамиятли фикрлар
баён қилинган.

КИРИШ. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида “...иқтисодиётда трансформация ва институционал ислохотларни изчил давом эттириш, мамлакатда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш...” устувор мақсадлар қаторида белгилаб олинган.²¹ Иқтисодиётнинг турли соҳалари ҳамда тармоқларида юқоридаги каби мақсадларга эришиш ёки бу борадаги вазифаларни ўз вақтида муваффақиятли бажарилишида халқаро тажриба ва амалиётлардан мақбул фойдаланишни талаб этади. Мазкур фикр тўла маънода ҳисоб

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармонига 1-илованинг II бўлими 45-мақсад.

соҳасига ҳам тегишлидир. Микроиқтисодиётдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини МҲХС га (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) трансформация қилиш, мазкур ўзгариш учун институционал асосларни амалга ошириш ҳозирги даврдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу ўзгаришлар натижасида таркиб топтирилган механизмларни самарали ишлаши макроиқтисодиётда инвестицион муҳитни яхшилашга ижобий таъсир қилади. Бизнес ташкилотлари ахборот тизимларини миллий чегарадан чиқиб халқаро майдонларга кириб боришини таъминлайди, ёки аксинча. Қисқа қилиб айтганда миллий бухгалтерия ҳисоб тизими билан халқаро бухгалтерия ҳисоби тизими уйғунлашади. Натижада мамлакатдаги ишбилармонлик муҳити доираси янада кенгаяди ёки халқаро бизнес майдонига интеграциялашади. Демак, бу борада амалга ошириладиган тадбирлар бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини МҲХС га трансформация қилиш ёки уйғунлаштиришда ўрганиладиган масалалар, ҳам миқдор, ҳам қамров жиҳатдан катта ҳажмга эга. Шу сабабли, биз, бу борадаги мавжуд масалаларнинг барчасини бир тезис доирасида кўриб чиқа олмаймиз. Тадқиқотимиз давомида ўрганилган муаммоларни ечим бўйича айрим қарашларимизни фикримизга мисол тариқасида ёритиб берамиз. Яъни, миллий иқтисодиётимиз корхоналардаги амалда бўлган молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар ҳамда тажрибалар асосида такомиллаштирилиши керак бўлган муҳим жиҳатларини кўрсатиб ўтамиз.

Олиб борилаётган тадқиқот натижалари шу ҳолатни кўрсатмоқдаки БҲХС (Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари) асосида тузилган молиявий ҳисоботларни МҲХС га трансформация қилиш ёки уйғунлаштиришда, аввало, уларнинг фундаментал асосларига кенг кўламда эътибор қаратиш шарт. Чунки, БҲХС ҳамда МҲХС нинг фундаментал асосларида, гарчанда кўп жиҳатдан ўхшашлик таъминланган бўлсада, улардаги айрим аҳамиятли жиҳатлари бўйича фарқланишлар мавжудлиги аён бўлмоқда. Мисол учун, молиявий ҳисобот ахборотларига сифат талаблари бўйича принципларни кўрсатиб ўтиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Молиявий ҳисобот ахборотларига сифат талаблари бўйича принциплар²²

Стандартлар	Принциплар		
БХМС ²³	• Ҳисоблаш. • Икки ёқлама ёзув усулида ҳисоб китобни юритиш. • Узлуксизлик. • Хўжалик операцияларини, активлар ва пасивларни пул билан баҳолаш. • Ишончлилик. Эҳтиёткорлик.	• Мазмунининг шаклдан устунлиги. • Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. • Молиявий ҳисоботдаги бетарафлик. • Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги. • Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. • Тушунарлилик. Аҳамиятлилик.	• Жиддийлик. • Ҳаққоний ва холис тақдим. • Тугалланганлик. • Изчиллик. • Ўз вақтида тақдим этиш.
БХХС, МХХС ²⁴	1. Фундаментал сифат хусусиятлари: - ўринлилик; - муҳимлик; - ишончли тақдим этиш.	2. Ахборот фойдалилигини оширадиган сифат хусусиятлари: - қиёсланувчанлик; - текширувчанлик; - ўз вақтида тақдим этиш; - тушунарлилик; - фойдали молиявий ҳисоботнинг сарф-харажатлар нуктаи назаридан чеклови.	

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²³ БХМС: “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”

²⁴ Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. БХХС бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган.

GAAP ²⁵ (Халқаро тажриба)	1. Асосий сифатлар: А) Ўринлилик: - олдиндан кўра олиш қиймати; - ўтган даврни баҳолаш қиймати; - ўз вақтидалилик.	В) Ишончлилик: - текшириш имконияти мавжудлиги; - ҳаққоний акс эттириш; - холислик.	2. Ёрдамчи сифатлар: - таққосланувчанлик; - узлуксизлик.
---	--	---	---

1-жадвал маълумотларидан маълум бўлмоқдаки МХХС (ёки GAAP) да молиявий ҳисобот ахборотларига сифат талаблари бўйича принциплар аниқ тизим асосида шакллантирилган. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида олинган принциплар шу йўналишдаги муносабатларни тартибга солиб беради. Тизимдаги принципларни биргаликда амал қилиши эса молиявий ҳисобот ахборотларини янада сифатли бўлишини таъминлайди ва белгиланган мақсадга эришилади. БҲМС ларида эса мазкур йўналиш бўйича амалдаги принциплар умумий тавсиф касб этиб, хусусий йўналишлар учун тизимлаштирилмаган. Ушбу камчиликни мавжудлиги, аввало, молиявий ҳисоботимиздаги ахборотларни сифатли бўлишига, бундан ташқари халқаро майдондаги ахборотлардан фойдаланувчиларда миллий молиявий ҳисоботлармиздаги ахборотларга бўлган ишончга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Бу ҳолат, мазкур муаммони МХХС талаби ва тартиблари асосида кўриб чиқишни юзага чиқармоқда.

Яна бир муаммоли жиҳат, яъни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (МХХС) ҳамда бухгалтерия балансида (БҲМС) тақдим этиладиган маълумотлар ўртасидаги фарқланишларни мавжудлиги (2-жадвал).

2-жадвал. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ҳамда бухгалтерия балансида тақдим этиладиган маълумотларни ўзаро таққослаш

²⁵ Donald E. Kieso, Jrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. 46 p.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда (БҲХС, МҲХС) тақдим этиладиган маълумотлар ²⁶	Бухгалтерия балансида (БҲМС) акс эттирилиши лозим бўлган ахборотлар ²⁷
(а) асосий воситалар; (б) инвестиция кўчмас мулки; (в) номоддий активлар; (г) молиявий активлар; (д) улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар; (е) биологик активлар; (ё) захиралар; (ж) савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари; (з) пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари; (и) сотишга мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга киритилган активлар жами; (й) савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари; (к) баҳоланган мажбурият; (л) молиявий мажбуриятлар; (м) жорий солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар; (н) кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва кечиктирилган солиқ активлари; (о) сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга киритилган мажбуриятлар; (п) хусусий капитал таркибида акс эттирилган назорат кучига эга бўлмаган улушлар; (р) бош ташкилотнинг мулкдорларига тегишли бўлган, чиқарилган капитал ва резервлар.	а) моддий активлар; б) номоддий активлар; с) молиявий активлар; г) захиралар; д) дебиторлик қарзи; е) пул маблағи ва пул эквивалентлари; ё) кредиторлик қарзи; ж) ажратмалар; з) фоиз тўлашни талаб қилувчи мажбуриятлар; и) хусусий капитал ва захиралар.

Таъкидлаш керакки, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (МҲХС) ҳамда бухгалтерия балансида (БҲМС) тақдим этиладиган маълумотлар ўртасида кўп жиҳатдан ўхшашлик мавжуд. Бу жуда ҳам ижобий ҳолат. Бироқ, бу икки ҳисобот шаклида гарчанд оз сонли бўлсада шундай фарқли жиҳатлар мавжудки, уларни

²⁶ 1-сон БҲХС: “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”, 10 бет.

²⁷ 1-сон БҲМС: “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”, 77-банд.

борлиги бухгалтерия баланси маълумотлари, шу билан бирга бошқа ҳисобот шаклларидаги баъзи бир аҳамиятли маълумотларга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, активларни қадрсизланишини²⁸ миллий бухгалтерия ҳисоб тизимимизда (БХМС) расман мавжуд эмас. Бу эса, бухгалтерия балансида (БХМС) ахборотларни МХХС ёки халқаро тажрибаларга ўхшаш (Мисол учун GAAP) тарзда эълон қилишга жиддий салбий таъсир қилмоқда.

Мисол учун, асосий воситаларни қадрсизланиши ҳисобда эътиборга олинмаса уларнинг қолдиқ қийматини адолатли баҳолаб бўлмайди. Бундан ташқари қадрсланиш муносабатлари молиявий натижаларга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бу борада билдирган фикрларимизга хулоса қилиб қуйидагиларни айтиб ўтамыз.

Мамлакатимиз иқтисодиёти халқаро бозорга тавора фаол кириб бормоқда ва бу жараён янада тезлашиб ривожланмоқда.

Бу эса, халқаро майдондаги мавжуд муносабатлар, талаблар ҳамда тартибларга мослашишни заруратга айлантирмоқда.

Демак, шу жараёнда амалдаги БХМС ларини БХХС ларига имкон қадар тўлиқ трансформация қилиш керак. Бунинг учун юқорида айтиб ўтилган каби фарқланишларни топиб тезда бартараф этиш давр талабидир.

Бу борадаги ўзгаришлар натижада эса миллий корхоналаримиз ҳамда хорижий корхоналар ўртасидаги алоқаларни янада яхшилайд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА ПФ-158-сон Фармони, 2023 йил 11 сентябр.

2. 1-сон БХХС: “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”

3. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. БХХС бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган.

4. 1-сон БХМС: “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”

5. 36-сон БХХС: Активларнинг қадрсизланиши.

6. Donald E. Kieso, Jtrry J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004. P. 1332.

²⁸ 36-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. Активларнинг қадрсизланиши.